

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАН ШАХСЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА КАСБ-ХУНАР ЎҚИТИШНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

Иброхимов Абдуғаффор

ИИВ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7482965>

Юртимизда сўнги йилларда Камбағал ва ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш умумий таълим ва касб-хунар ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга, тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитишга, нодавлат сектори имкониятларидан кенг фойдаланиш учун давлат ёрдами бериш механизми жорий қилинади.

Ж.Э.Усаров, Л.Г.Бобоходжаева, Н.Ю.Суповаларнинг фикрича, таълим - бу ахборот коммуникация технологиялари сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳалардан ҳисобланади¹ деб билишса, етук жаидчимиз Фитрат “таълим” тушунчасини шахсга билим бериш, уни тарбиялаш ва касб-хунарга йўналтириш тарзида тушунамиз² деб тариф берганлар.

Демак, таълим бу бу ахборот коммуникация технологиялари сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳалардан ҳисобланиб, шахсга билим бериш, уни тарбиялаш ва касб-хунарга йўналтириш тарзида тушунамиз даркор.

Шундай экан, таълим сўзига тўхталар эканмиз бу сўз нақадар кенг маъноли эканин англаб етамиз. «Таълим» бир нарсанинг ҳақиқатини батафсил ва яхшилаб билдириш маъносини англатади. «Таълим бериш», «дарс бериш» ва «ўргатиш» сўзларининг маънолари бир-бирига яқин бўлиб, маълумотларни муаллимдан мутаъаллимга (таълим олувчига) нақл қилишни билдиради. Таълим шарҳлаш, очиқлаш, яқинлаштириш,

¹ Ж.Э.Усаров, Л.Г.Бобоходжаева, Н.Ю.Супова. Аралаш таълим шакли - педагогик таълим кластерининг замонавий ёндашуви сифатида. "Science and Education" Scientific Journal May 2021 / Volume 2 Special Issue 1. 287 б. <https://cyberleninka.ru/article/n/aralash-talim-shakli-pedagogik-talim-klasterining-zamonaviy-yondashuvi-sifatida>.

² Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Абдурауф Фитратнинг илмий мероси. ДДА. –

Тошкент, 1996. Абдужалилова Ш. Абдурауф Фитратнинг оила тарбиясига оид қарашлари. НДА.- Тошкент, 2002. Ахророва Д. Абдурауф Фитратнинг маърифий-педагогик қарашлари. НДА.- Тошкент, 1998, Ғаниев И. Абдурауф Фитрат ижодида бадиий санъатлар. ДДА. - Тошкент, 2007 ва ҳ.к

хужжатлаш, далил келтириш, тарбия бериш ва насихат қилиш каби ишлардан иборатдир.

Таълим бериш билан таълим олиш бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Бирисиз иккинчиси бўлмайди. Шунинг учун ҳам талаба бўлиб илм олишга қанчалик тарғиб қилинган ва бу ишга савоб-мартабалар ваъда қилинган бўлса, олим бўлиб таълим беришга ҳам шунчалар тарғиб қилинган ва бу ишга ҳам савоб-мартабалар ваъда қилинган. Илм талаб қилиш фарз бўлгани каби, таълим бериш ҳам фарз қилинган.

Мўмин-мусулмонлар таълим ишларига доимо катта эътибор бериб келишган. Шунинг учун ҳам Исломга амал қилинган даврларда мусулмон оламида илм кенг миқёсда тарқалган, дунё аҳамиятига молик улуғ алломалар етишиб чиққан. Мусулмонларчалик кўп олим етиштирган миллатни тарих ҳали-ҳануз билмайди. Бу ҳолатни яхшилаб ўрганган ғарблик шарқшунослардан бири инсоф билан: «Мусулмонлар барча-барчалари мадрасага қатнайдиган бутун бошли бир миллат бўлган», деб ёзган³.

Таълим маҳкумларнинг ижтимоий реабилитациясининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади, маҳкумлар фаоллигини ва масъулиятини ривожлантиришга имкон беради, жамиятдан ажратиб қўйилган шароитда шахсий бузилишга тўсқинлик қилади. Маҳкумлар таълимининг мақсади маҳкумларнинг саводини чиқариш ва уларга умумий ўрта маълумот бериш, уларни турли касб-хунар эгаллашларига ёрдам бериш, жазони ўтаётган вақтда уларни ижтимоий фойдали меҳнат билан банд қилиш ва, энг асосийси, уларни озодликка чиққанларидан сўнг қайта ижтимоийлашувларини енгиллаштиришдан иборат.

Жинлят-ижроия кодексининг 100-моддасига биноан Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта таълими ташкил этилади. Муассаса маъмурияти маҳкумларга улар таълим олиши ва мустақил таълим олиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда шароитлар яратади ҳамда зарур кўмак кўрсатади. Ёши ўттиздан ошган маҳкумлар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар хоҳишларига кўра таълим олишга жалб этиладилар. Маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишига йўл қўйилмайди, манзил-колониялардаги маҳкумлар бундан мустасно бўлиб, улар ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таълим олишлари мумкин. Ўқув юртларида таълим олаётган маҳкумлар имтиҳонларни топшириш учун

³ <https://islom.uz/maqola/6715>

қонунчиликка мувофиқ ишдан озод қилинади. Маҳкумларнинг умумий ўрта таълимини ташкил этиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади⁴.

Демак, Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиққан ҳолда қўйилган талаблар маҳкумларни касбга йўналтириш – бу шахсларнинг касб-хунар билан боғлиқ режаларни тузиш, касб-хунар ва меҳнат фаолияти соҳасини танлаш жараёнига раҳбарлик қилиш демакдир.

Бундан келиб чиқадики, касб-хунарга йўналтириш маҳкумлар учун ташкил этилган мактаб фаолиятининг ажралмас қисми. Бу нафақат мактабнинг, балки барча маҳкумлар таълим-тарбиясига маъсул муассаса ходимлари, ижтимоий институтлар, оила, маҳалла, давлат ташкилотларининг асосий вазифаларидандир.

Фикримизча, бу борадаги тадқиқотларларнинг маҳкумни касб танлашга тайёрлашнинг амалий ечимини топишга қаратилган қуйидаги асосий йўналишларини қайд этиш мумкин:

- маҳкумларнинг касблар оламида йўналиш олишига ёрдам берувчи ҳамда ўз индивидуал имкониятларини ҳаққоний баҳолай олиш кўникмалари зарур даражасини таъминловчи касбий ахборотлар тизимини яратиш;
- маҳкумларнинг касб танлашига ёрдам бериш мақсадида шахсни ўрганишнинг ташхис методларини ишлаб чиқиш;
- маҳкумларга касбий маслаҳатлар уюштиришнинг назарий ва методик асослари ишлаб чиқиш;
- касб танлашнинг ижтимоий аҳамиятли мотивларини асослаш;
- махсус мактабларда маҳкумларни касб танлашга йўналтиришнинг восита ва йўллари аниқлаш;
- ушбу мактаб битирувчи синф ўқувчи маҳкумларини ишчи касбларга йўналтиришнинг мазмуни, шакл ва методлари;
- Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалиётга татбиқ этиш шароитида маҳкумларни касб танлашга йўллашнинг педагогик шароитлари;
- алоҳида олинган ҳудудий марказларда ёш маҳкумларни касб танлашга йўллаш ишини бошқариш хусусиятлари.

Бу борада, Нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этиш учун “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш

⁴ 25.04.1997. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси <https://lex.uz/docs/163629>. (электрон манбага мурожат этилган сана 05.10.2022 й)

муассасаларининг бинолари, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига кўра бошқа бўш турган бинолар ёки уларнинг бир қисми оператив бошқарувга ёки узоқ муддатли имтиёзли ижарага берилди ҳамда нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш муассасаларига ўқув дастурлари ва ўқитувчиларни мустақил танлаш ҳуқуқи берилди бошлади. “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакасини халқаро WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти бериладиган бўлди. Skills паспорти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилди ва Ушбу лойиҳалар ижроси учун 2020 йил учун ажратиладиган маблағларга қўшимча равишда 150 миллиард сўм маблағ ажратилди.⁵

Юртбошимизнинг ушбу самарали ишларига ҳамроҳ ҳолда Жазони ижро этиш тизимида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан маҳкумларини касб-ҳунарга ургатиш механизми ишлаб чиқилди ва 2019 йил 14 апрелдаги “Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси қарори билан маҳкумларни касб-ҳунарга ўқитиш механизми ишлаб чиқилди.

Маҳкумларни касб-ҳунарга ўргатиш тизимини такомиллаштириш моҳиятин очиқ берара эканми ушбу аволло касб-ҳунар, таълим тарбия сўзларини маъноларни балмоғимиз даркор.

Маҳкум сўзи тариф берилишича, **маҳкум** — қонун билан тақиқланган муайян жиноятни содир этгани учун суд томонидан айбдор деб топилган шахс. Ўзбекистонда Маҳкумга нисбатан қуйидаги жазо чоралари қўлланилиши мумкин: жарима; муайян ҳуқуқдан ёки бирор хил фаолият билан шуғулланишдан маҳрум қилиш; ахлоқ тузатиш ишлари; хизмат бўйича чеклаш; қамоқ; интизомий қисмга жўнатиш; озодликдан маҳрум қилиш; ўлим жазоси. Маҳкум жазони суднинг ҳукми кучга кирганидан сўнг ўтайди. Баъзан Маҳкум айбдор бўлсада, унга жазо тайинланмаслиги ёки уни ўташдан озод этилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖК, 69—79, 87 — 90 моддалар). Суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг моҳияти, ижтимоий хавфлилик даражаси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдорни жазо бермай ҳам хулқини назорат

⁵ <https://xs.uz/uzkr/post/kambagal-va-ishsiz-aholini-tadbirkorlikka-zhalb-qilish-bojicha-qoshimcha-chora-tadbirlar-koriladi-prezident-qaror>

қилиш, тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, тайинланган жазони ижро этмаслик Туірісида қарор чиқаради. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят натижасида етказилган зарарни ўз ихтиёри билан бартараф этиб, қилмишидан астойдил пушаймон бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин⁶.

Юқоридаги тарифни хурмат қилган холда ўз тарифимизни беришни мақул кўрдик. Фикримизча маҳкум бу- озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган (жарима жазоси бундан мустасно) жазо тайинланган шахсдир.

Фикримизча, касб-хунар бу бирор бир фаолият тури бўлган иш тури ёки хунармандчилик йўналишини тушуниш мукин.

Бугунги кунда маҳкумларга умумий ва касб – хунарга ўқитиш тизимининг бизга нечоғлиқ керак. Ю.К. Бабанский такидлашича, фан-техника, янги педагогик технология, инновацион жараёнлар ва ахборот технологиялари кун сайин ошиб бораётган ҳозирги шароитда ўқувчиларда умумий ўқиш кўникмаси ва малакаларини мустақил эгаллашини илгаригига қараганда анча яхшироқ таркиб топтирадиган ўқитиш методларини топиш керак. Шунинг учун ҳам мактаб ислоҳатининг асосий йўналишларида ўқувчиларда китоб ва бошқа билим манбалари билан ишлаш кўникмасини таркиб топтиришнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилади⁷.

Бундан ташқари таълим ислоҳотларининг пировард мақсади – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва мустаҳкам фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлат қуришдир. Маргианти Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга йиллик харажатлар ЯИМнинг 10-12% ини ташкил этаётгани, 1500 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицейлар қурилгани, чет тилларини ўрганиш амалга оширилаётгани, хорижда олий маълумот олиш учун зарур шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу билан бир қаторда, Россия тадқиқотлар маркази директори ўринбосари Д.Пейхуа Ўзбекистонда таълимдаги оқилона ислоҳотлар унинг ривожланган демократик мамлакатлар қаторига қўшилиши, аҳоли турмуш даражасининг ошишига ёрдам бериши, охириги 5 йил ичида ЯИМнинг 8,5%ли ўсишини намойиш

⁶ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahkum-uz>

⁷ Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Т. “Ўқитувчи”, 1990, 4-бет.

этган иқтисодиётнинг илгари силжишини рағбатлантириши тўғрисидаги фикрларга қўшилишини билдиради⁸

Ўзбекистонда ўрта таълим икки бўғиндан иборат: умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими. Умумий ўрта таълим бошланғич (1-4 синфлар) ва ўрта таълим (5-9 синфлар)ни ўз ичига олади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими академик лицей ёки касб-хунар техникумларида ўқишдан иборат.

Ўзбекистонда маҳкумларни таълимнинг сифатини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар белгиланган:

- 1) моддий-техник базанинг мавжудлиги ва сифати;
- 2) маҳкум ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси;
- 3) ўқитиш сифати (шу жумладан, ўқув дастурларининг мазмуни, стандартлари, услубияти, илғор технологиялардан фойдаланиши ва б.;
- 4) маҳкум ўқувчиларнинг билим даражаси (ўқитиш натижалари).

Бундан ташқари маҳкумларнинг озодликка чиққач ўз бизнесини ташкил этиш истаги кучайиб боришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

1. Қилган жиноятига қарамасдан Юртимизда маҳкумҳам аввало инсон шиори остида. ЖИЭМларда таълим-тарбия иши замон талаблари даражасида ташкил этилаётгани, ўқув устахоналарининг соҳага оид энг илғор воситалар билан жиҳозлангани натижасида маҳкумларда ўзи танлаган мутахассислик бўйича етарли билим ва касбий кўникмаларни ўзлаштириш имкониятининг кенгайиб бораётгани.

2. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши.

3. Маҳкумларни озодликка чиқишгандан сўнг давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида ҳудудларда «Микрокредитбанк», Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда “Ёш тадбиркор – юртга мададкор”, “Менинг бизнес ғоям» каби мавзуларда турли семинар ва кўрик-танловлар ташкил этилиши.

4. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган маҳкумлар (махалла томонидан) ва уларнинг оила аъзоларига имтиёзли кредитлар тақдим этилиши алоҳида этиборга лойиқдир.

Бугунги кунда асосий эътибор таълим сифатини оширишга қаратилмоқда⁹. Жазони ижро этиш тизими томонидан асосий эътибор

⁸ «Ўзбекистан – яркий образец научного, образовательного, культурного прогресса». // «Народное слово», 20 февраля 2012 г.

маҳқумларни сифатли ўқитишга тенг шароитлар яратишга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳисобот йилида таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи мунтазам равишда эътибор марказида бўлганини қайд¹⁰ этганди: Маҳқумларга таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган ўз қилган жиноятини тушуниб етган маҳқумларни қайта тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди.

Бу борада Ш. Қушбоқов айтганидек “Жазони ижро этиш муассаси –бу давлат томонидан ҳокимиятёки бошқа ваколатлар билан тахминланган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари, жазони ижро этиш ҳамда маҳқумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ташкил этилган, ички ташкилий бирлигига, қонун доирасида қатъий белгиланган ваколатларга эга бўлган, тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан фаолият кўрсатадиган давлат органи, шунингдек, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ жавобгар бўлган, фуқаролик муомаласида юридик шахс сифатида фаолият юритадиган давлат идорасидир¹¹” деган фикрига таянган холда жазони ижро этиш муассасларидаги умумтаълим мактабларининг битирувчиларини, айниқса, вояна етмаган маҳқумларни касб-хунар таълимларида ўқишга тўлиқ жалб этиш масаласини текшириш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

⁹ Ахунова Ш.Н., ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2015, 9. 15 б.

¹⁰ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 19 январь.

¹¹ Қушбоқов, Шоҳрух. "ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ." *Development of pedagogical technologies in modern sciences* 1.4 (2022): 58-63.

Хулоса қилиб айтганда, маҳқумларга умумий ва касб-хунар таълимини давлат томонидан тартибга солиш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда янги шароитларга мослаштиришда қуйидаги тадбирлар муҳим аҳамият касб этади:

1. Маҳқумларни ўқитадиган мактабларда ҳам иқтидорли, кучайтирилган синфларни шакллантириш ва аста-секин уларни кўпайтириб бориш ҳамда ўқитувчилар таркибининг сифатига талабларни ошириш.
2. Маҳқумларга бошланғич синфданоқ касб танлаш ва аниқ мутахассисликларга қизиқтириш, мақсадли ўқишларини таъминлаш.
3. Хунармандчилик марказларини ташкил қилиш ҳамда у ерда кейинги касб таълими босқичларига тайёрлашни амалга ошириш, репетиторлик хизматини ривожлантириш. Бу марказларни молиялаштиришга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш.
4. Маҳқумлар касб-хунарга ўқитишнинг амалиётга боғлиқлигини кучайтириш, амалиёт дарсларини бевосита корхоналардан уста ходимларни иштирокида ташкил қилиш.
5. Касб-хунар таълимида замонавий талаблар асосида жиҳозлашда давом этиш, маҳқумларга замон талаблари даражасида билим бериш, энг муҳими сифатга эътиборни кучайтириш.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ж.Э.Усаров, Л.Г.Бобоходжаева, Н.Юсупова. Аралаш таълим шакли - педагогик таълим кластерининг замонавий ёндашуви сифатида. "Science and Education" Scientific Journal May 2021 / Volume 2 Special Issue 1. 287 б. <https://cyberleninka.ru/article/n/aralash-talim-shakli-pedagogik-talim-klasterining-zamonaviy-yondashuvi-sifatida>.
2. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Абдурауф Фитратнинг илмий мероси. ДДА. -Тошкент, 1996. Абдужалилова Ш. Абдурауф Фитратнинг оила тарбиясига оид қарашлари. НДА.- Тошкент, 2002. Ахророва Д. Абдурауф Фитратнинг маърифий-педагогик қарашлари. НДА.- Тошкент, 1998, Ғаниев И. Абдурауф Фитрат ижодида бадиий санъатлар. ДДА. - Тошкент, 2007 ва ҳ.к
3. <https://islom.uz/maqola/6715>
4. 25.04.1997. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси <https://lex.uz/docs/163629>. (электрон манбага мурожат этилган сана 05.10.2022 й)
5. <https://xs.uz/uzkr/post/kambagal-va-ishsiz-aholini-tadbirkorlikka-zhalb->

qilish-bojicha-qoshimcha-chora-tadbirlar-koriladi-prezident-qaror

6. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahkum-uz>

7. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Т. "Ўқитувчи", 1990, 4-бет.

8. «Узбекистан – яркий образец научного, образовательного, культурного прогресса». // «Народное слово», 20 февраля 2012 г.

9. Ахунова Ш.Н., ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2015, 9. 15 б.

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 19 январь.

11. Қушбоқов, Шохрух. "ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ." Development of pedagogical technologies in modern sciences 1.4 (2022): 58-63.